



Мирзохиджон
УБАЙДУЛЛАЕВ,
Фарғона вилоя-
ти ҳокимининг
молия-иқтисодиёт
ва камбағалликни
қисқартириш маса-
лалари бўйича би-
ринчи ўринбосари
— Иқтисодиёт
ва молия бош
бошқармаси
бошлиғи

Яширин иқтисодиёт — ТАРАҚҚИЁТ КИШАНИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ПУЛ-КРЕДИТ, ВАЛЮТА, СОЛИҚ ВА ТАШҚИ САВДО СИЁСАТИ СОҲАЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Шу билан бирга, экспертларнинг баҳолашлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилаётган сўровлар иқтисодиётдаги яширин айланманинг, айниқса, савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, турар жой хизматларини кўрсатиш каби соҳаларда юқори даражада сақланиб қолаётганлигидан далолат беради, бу эса виждонли тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларига путур етказмоқда, улар учун тенг бўлмаган бизнес юритиш шартларини юзга келтирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Қутлаймиз

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ БМТ АКАДЕМИК ТАШАББУСИ (УНАИ)НИНГ РАСМИЙ АЪЗОСИ БЎЛДИ



Сўнгги йилларда Ўзбекистонда олий таълим тизимида жиддий ва катта ўзгаришлар юз берди. Олийгоҳлар ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлди. Ана шундай олий ўқув юрти-
ридан бири Фарғона давлат университети. Билимдонлик ва ташаббускорлик билан бошқарув натижасида университетнинг илмий салоҳияти 54 фоизга етди, 8 та илмий Кенгаш ташкил этилди, таълим олаётган ёшлар сони 34 минг нафарга етди, янги ва замонавий талабалар турар жойлари барпо этилди.

Шу боисдан ҳам дунёнинг нуфузли рейтинг-ларида бу олий ўқув даргоҳи фаолияти юқори баҳоланиб келинмоқда эди. Буни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўриб чиқди ва университетни БМТнинг Академик Ташаббуси (УНАИ) га расмий аъзо сифатида қабул қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Академик Ташаббуси (УНАИ) — глобал илмий ҳамжамият ва таълим муассасаларини БМТнинг асосий тамойиллари, хусусан, барқарор тараққиёт, инсон ҳуқуқлари, тинчлик, таълимга бўлган тенг имкониятлар ва ижтимоий жавобгарлик ғоялар атрофида бирлаштирувчи платформадир.

Унга аъзолик университетга қандай имтиёзлар беради?

УНАИ аъзолиги университетнинг БМТ мақсадларига содиқлиги ва глобал миқёсдаги академик ташаббусларда фаол иштирокини билдиради. Бу эса ўз навбатида олий даргоҳ обрўсини кўтарди, халқаро ҳамкорлар олдида ишончлилигини тан олинишини таъминлайди. Унга

аъзо бўлган университетлар БМТ ва УНАИнинг бошқа аъзолари билан халқаро лойиҳа, конференция, талабалар алмашини ва илмий изланишлар доирасида ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлади.

Университет БМТнинг ушбу платформасида ўз ташаббусларини илгари суриш, йиллик ҳисоботлар орқали фаолиятини намойиш этиши мумкин.

Фарғона давлат университети эндиликда УНАИ логотипидан ўзининг бу платформа доирасидаги лойиҳалар, веб-сайти ва нашрларида қонуний асосда фойдаланади.

Университет УНАИга аъзолик орқали талабалар ва профессор-ўқитувчилар глобал масалалар, СДГ (Сустайнабле Девелопмент Гоалс) йўналишларидаги лойиҳаларда иштирок этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан боғлиқ бўлган халқаро дастурлар ва грантларга мурожаат қилиш имкониятини қўлга киритди.

Фарғона давлат университети дунё миқёсидаги яна бир нуфузли ҳамкорлик даражасига кўтарилгани қувончлидир.

Тошлоқ:

Эски уйлар ўрнида КўП ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙЛАР

КЕЧАГИНА ТОШКЕНТИНГ ҚОҚ МАРКАЗИДА ЖОЙЛАШГАН ЎҚЧИ МАҲАЛЛАСИДАГИ ПАСТҚАМ УЙЛАР, ИЛОН ИЗИ КўЧАЛАР БУЗИЛА БОШЛАГАН ЭДИ. ЎШАНДА УНИНГ ЎРНИДА БУГУНГИДЕК ҲАШАМАТЛИ ОСМОНЎПАР БИНОЛАР БАРПО БўЛИШINI КўПЛАР УЙЛАМАГАН. ЛЕКИН ШУНДАЙ БўЛДИ.



Бу воқелик аслида мамлакат учун тажриба, улкан ташаббуснинг бошланиши экан. Давлат раҳбари шу йил бошида маънан эскирган 1-3 қаватли бинолар ўрнида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш таклифини олға сурди. Ўшандаёқ аҳоли сони кундан-кун ортиб бораётган Тошлоқ туманида ҳам ҳаракатга тушиб қолишди.

— МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МАъНАН ЭСКИРГАН 2-3 ҚАВАТЛИ УЙЛАР ЎРНИДА 9, 12, 16 ҚАВАТЛИ ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАДАГИ БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА ТУРАР ЖОЙЛАР ҚУРИШ ҲАҚИДА ФАРМОН ИМЗОЛАДИЛАР, — дейди Тошлоқ тумани ҳокимининг ўринбосари **Авазбек ДЕҲҚОНОВ**. — 2025-2026 йиллари туманда 5 ТА ШУНДАЙ КўП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИ ҚУРАМИЗ.



Шу йилнинг ўзида бундай кўп қаватли уйларнинг иккитаси қад ростлай бошлади. Бундан аҳолининг қувончи чексиз.

— АВВАЛЛАРИ БИТТА 2 ҚАВАТЛИ УЙДА 12 ТА ХОНАДОН БўЛАР ЭДИ. ҲАТТО САНИТАРИЯ ХОНАЛАРИ ҲАМ ТАШҚАРИДА БўЛГАН. БИР СўЗ БИЛАН АЙТСА, ШАРОИТИ ЯХШИ ЭМАСДИ. ҲОЗИРГИ КУНДА АЙНАН 12 ТА ХОНАДОН БўЛГАН МАЙДОНДА 86 КВАРТИРАЛИ КўП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРМОҚДАМИЗ, — дейди Авазбек Деҳқонов.

Ўзбекистонда қурилиш саноати тез ривожланиб кетди. Энди энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш, ўз-ўзини электр энергияси билан таъминлаш мажбурий меъёрга айланди.



— ДЕВОРЛАР ГАЗОБЛОҚДАН БўЛМОҚДА. УЙ ТОМИГА КўЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЎРНАТИЛАДИ. БИНОНИНГ ТўРТ ТОМОНИДАГИ ДЕВОРЛАРИГА БАЗАЛТ ҚОПЛАНМОҚДА, — дейди қурилиш иш юритувчиси **Хусниддин БОЛТАБОВЕВ**. — БУ ЭСА УЙЛАРНИ ЁЗДА ИССИҚ, ҚИШДА СОВУҚДАН ҲИМОЯЛАЙДИ. МАҚСАДИМИЗ АҲОЛИГА ЭНГ ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАДАГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИШДИР.



Янги турар жойлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилгани яхши, албатта. Аммо лойиҳада яшил майдон, болалар ўйингоҳлари ҳам инобатга олинган.

— ШУ БИЛАН БИРГА, УЙ ОЛДИ ВА АТРОФИДА ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС БОЛАЛАР МАЙДОНИ, ЕРОСТИ АВТОМОБИЛЬ ТУРАРҒОҲЛАРИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА, — дейди ҳоким ўринбосари. — АТРОФ ҚУКАМАЗОРЛАШТИРИЛАДИ. БУ ЭСА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИ ЯХШИЛАЙДИ, АҲОЛИГА ТОЗА ҲАВОДАН НАФАС ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

Тошлоқдаги қолган икки қаватли уйлар аҳолиси билан жойларда кўп қаватли янги бинолар қуриш масаласи муҳокама қилинмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ
олган суратлар.

Ёзги таътил мавсумида

ОРОМҒОҲЛАР БОЛАЛАРНИ БАҒРИГА ЧОРЛАЙДИ



Бу йил вилоятимизда фаолият кўрсатадиган



128 та
оромгоҳларда
37 800
нафар болалар
соғломлаш-
тирилади.

Шундан **14** та стационар соғломлаштириш масканлари

9 330 нафар,
114 та мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳлар
28 500 нафар ўғил-қизларни ўз бағрига олади. Ёзги таътилда болажонларимиз **5 смена** давомида дам оладилар.

Бугунга қадар оромгоҳларда қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари охирига етказилди. Уларга олиб борувчи 2 150 метр ички йўллар таъмирланди.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодининг баркамол воёга етиши учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Жумладан, жорий йилда жамоа шартномалари асосида 100 нафардан ортиқ болаларни ва тарбияси оғир, ички ишлар органлари рўйхатида турган воёга етмаганларни "Чимён" оромгоҳида имтиёзли соғломлаштириш ишлари амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда).

Яширин иқтисодиёт – ТАРАҚҚИЁТ КИШАНИ

(Бошланиши 1-бетда).

Вилоятимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан, тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида Иқтисодий хиноятларга қарши курашиш департаменти ва солиқ бошқармаси масъулларидан иборат вилотат худудий комиссияси тузилди.

Комиссия тўғрисида мунтазам равишда жойларда тадбиркорлар фаолиятини қонунийлаштириш, яширин иқтисодиёт шаклланишига олиб келаётган омилларни аниқлаш, уларга таъсирчан чоралар кўриш ишлари йўлга қўйилди.

Биринчи навбатда, чегара худудларидан ноқонуний олиб қилинган товарлар савдосига чек қўйиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти юритиш ва даромадларни яширишнинг олдини олишга, шунингдек, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги норасмий меҳнат фаолиятини юритиш каби ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этишга асосий эътиборни қаратяпмиз.

“Солиқчи кўмакчи” тамойили ҳамда “маҳаллабай” ишлаш тизимлари орқали тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдамлар бериш ҳамда яширин иқтисодиёт билан шугулланиб келаётган тадбиркорлар билан манзилли ишлар ташкил этилди.

2024 йил давомида вилотатимиздаги 23 та бозор ва 13 та савдо комплексларида ўтказилган хатловларда 2 886 та давлат рўйхатидан

ўтмасдан фаолият юритувчи фуқаролар аниқланди, улар давлат рўйхатидан ўтказилиб, 675 та назорат касса апаратлари ўрнатилди.

Маълумки, сўнгги пайтларда тадбиркорлар томонидан ишчи-хизматчиларга “конверт” усулида иш ҳақи берилиши, белгиланган иш ҳақидан кам ҳисобланиши ёки ишчиларни норасмий ишлатилиши, ҳақиқий савдо тушумини ҳисоботлардан яшириш ҳолатлари авж олди.

Ўрганишлар давомида 242 та умумий овқатланиш корхоналарида 502 нафар норасмий ишчи-хотимлар фаолият кўрсатаётганлиги аниқланди, уларнинг расмий бандлиги таъминланди ҳамда иш ҳақидан даромад солиғига бир ойлик 257 миллион сўм солиқлар ҳисобланди.

Ана шу каби ҳолатларга барҳам берилиш натижасида 233 миллиард сўм солиқ тушуми маҳаллий бюджетга келиб тушди.

Ҳоким ёрдамчилари томонидан жорий йил январь ойида яширин иш ўринларини легаллаштириш мақсадида вилотатда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналари хатловдан ўтказилганда, 13,5 мингта корхонада 42 мингта иш ўринлари ҳисоботларда акс эттирилмаётганлиги аниқланди. Ушбу яширин иш ўринларининг 7,5 мингтаси легаллаштирилди.

Шу йилнинг январь-февраль ойларида Ишчи гуруҳ томонидан яширин иқтисодиётни қисқартириш юзасидан барча шаҳар ва туманларда хатлов ўтказилиши оқибатида қарийб 850 миллиард сўм бюджетга қўшимча манба аниқланди. Барча солиқ инспекцияларига ўрганиш маълумотлари ва таҳлиллар етказиб берилиб ижрога қаратилмоқда.

Бугунги кунга келиб, ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирган саноат корхоналари истеъмол қилган электр энергиясидан келиб чиқиш, уларни ишлаб чиқариш ҳажми ва бюджет тушуми қайта ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқаришни камайтирган 3 та йирик, 105 та кичик

корхоналар ўрганилганда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кўп электр истеъмол қилгани маълум бўлди. Қайта ҳисоб-китоб натижасида 571,2 миллиард сўм саноат маҳсулотлари ҳажми ва бюджетга 68,5 миллиард сўм қўшимча манба аниқланди.

Ўтган йилнинг биринчи чорагида солиқ тушумлари 19 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг худди шу даврида солиқ тушумлари 125 миллиард сўмга орттириб бажарилди. Бунинг натижасида қўшимча тушум ўтган йилга нисбатан қарийб 7 баробарга кўпайди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар тадбиркорлик субъектларида норасмий ишлаётган 12,4 мингдан ортиқ иш ўринлари легаллаштирилиб, яширин фаолият кўрсатаётган 1,6 мингта тадбиркор расмий секторга қайтарилди. Ушбу тадбиркорларнинг 1 053 та янги иш ўринлари яратиши туфайли бу йил солиқ баъзасидан ўтган банд аҳоли сони 950 минг нафарга етди.

Ҳозирда вилотатимиздаги фермер хўжаликлари экин ер майдонларига мутаносиб тарзда ишчиларни ишга қабул қилиш ва уларни легаллаштиришга эътибор қаратяпмиз. Шунингдек, қурилиш йўналишида ҳам норасмий ишлаётганларни расмий секторга ўтказиш чоралари кўриломоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, солиқ тизимининг маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятига қадар туширилиб, “солиқчи – тадбиркорга кўмакчи” тизимининг кенг тарғиб қилиниши тадбиркор бўлиш истатига бўлган фуқароларга ўз вақтида тўғри йўналиш кўрсатилишига замин яратди.

Бир сўз билан айтганда, очкичлик ва шаффофлики таъминлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашишга кенг жамоатчиликни, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, жамиятда яширин иқтисодиётга муроасизлик ҳиссини шакллантириш, легал бизнес юритишнинг нуфузини оширишга муҳим эътибор қаратилмоқда.



Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор



■ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА МОС РАВИШДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Йўлга қўйилди. ШУНИНГДЕК, ХАЛҚАРО ВА УНИВЕРСИТЕТЛАРО ШАРТНОМАЛАР АСОСИДА ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПЕШҚАДАМ ТАЛАБАЛАРИ ХОРИЖ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ УЧУН ЮБОРИЛМОҚДА.

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА ИЛМ-ФАН РАВНАҚИ, ИЛМИЙ МАКТАБЛАР ФАОЛИЯТИ

Фарғона давлат университети тузилишида ҳам таркибий ўзгаришлар юз берди. Масалан, ҳозирги кунда университетда 11 та факультет, 4 та бўлим ҳамда 52 та кафедра мавжуд. 34 та магистратура мутахассислигида 844 нафар магистрант, 62 та бакалаврият йўналишида 13951, сиртки бўлимида 8539, иккинчи мутахассислик йўналишлари бўйича 1743 нафар, жами 25077 нафар талаба тахсил олмақда.

Университетда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, шунингдек, соҳага оид давлат дастурларида белгиланган берилган вазифалар асосида ташкил этилган. Айниқса, илмий салоҳият бора-сида ижобий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, Фарғона давлат университетида 2024–2025 ўқув йилида жами 1079 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда. Улардан 415 нафардан ортиғи илмий даражага эга.

Профессор-ўқитувчиларимизнинг илмий салоҳияти сўнгги йиллар давомида сезиларли даражада ортиб бормоқда. Хусусан, 2016–2021 йиллар мобайнида профессор-ўқитувчилар томонидан ҳимоя қилинган диссертациялар сони 124 тани ташкил қилган. Шунингдек, айни кўрсаткич 2022 йилда 84 та, 2023 йилда 102 та, 2024 йилда 124 тани ташкил қилди. Олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари натижасида 2024 йилда 126 нафар профессор-ўқитувчилар, жумладан, 13 нафари фан доктори (DCS), 113 нафари фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олиш учун диссертация

ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2023–2024 ўқув йилида жами 56 нафар профессор-ўқитувчилар доцент, 14 нафар олимлар профессор илмий унвонларини олдилар.

Фарғона давлат университетида илмий даражалар берувчи Илмий кенгашлар фаолияти йўлга қўйилган. Олийоҳ раҳбарияти томонидан ушбу Илмий кенгашларнинг самарали фаолияти учун барча зарур шароитлар яратиб берилган. Натижада, дифференциал тенглалар соҳасида профессор Аҳмаджон Қўшақович Уринов раҳбарлигида илмий мактаб фаолияти давом эттирилди. Кимё кафедраси ҳузурида профессор А.А.Ибрагимов раҳбарлигида 2022 йилда иккита лойиҳа тасдиқланиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинган. География соҳаси бўйича етакчи олим Ю.Аҳмадалиев раҳбарлигида самарали илмий ишлар амалга оширилмоқда. Гуманитар фанлар бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда муайян ютуқларга эришилди. Масалан, профессорлар Мухаммаджон Исомиддинов, Мамажон Маматов, Бахриддин Усмонов бунга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Педагогика йўналиши бўйича ҳам катта ютуқларга эришилди. Хусусан, университетда педагогика илмий мактабининг яратилишида устоз Турғуной Эгамбердиева ва бошқа олимларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Сўнгги йилларда шу соҳада ўнлаб тадқиқотчилар фан доктори ва фалсафа доктори илмий даражасига сазовор бўлдилар.

Филология соҳаси бўйича ҳам республикада таниқли олимларнинг илмий мактаблари яратилган. Масалан, Алижон Мамажонов, Йўлдошали Солижонов, Сиддиқ Мўминов, Мухаммаджон

Ҳақимов, Шарифхон Искандарова, Абдуғофир Қосимов каби олимлар ўз илмий мактабларини яратдилар.

Фарғона давлат университетида ўқув адабиётлар яратиш борасида ҳам аққол ўзгаришлар намоян бўлди. Жумладан, 2015–2025 йиллар давомида университет профессор-ўқитувчилари томонидан жами 1806 та ўқув адабиётлар яратилди. Шундан, 338 таси дарслик, шунингдек, 806 та ўқув қўлланма, 333 та услубий қўлланма, 223 та услубий кўрсатма, 42 та мустақил таълим ишланмаси, 32 та услубий тавсиянома, 6 та илмий рисола, 22 та луғат чоп этилган.

Университет профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган барча адабиётлар ахборот-ресурс марказидаги компьютерлар базасига жойлаштирилиб, талабаларнинг фойдаланишлари учун имкониятлар яратилди. Хусусан, 2014 – 2023 йилларда Ахборот-ресурс марказига 4606 номдаги 47255 нусха китоблар сотиб олинди. Шунингдек, Ахборот-ресурс марказига 2024 йилда 597 номдаги 9671 та янги адабиётлар сотиб олинган бўлиб, унга сарфланган маблағлар 1 037 883 734 сўмни ташкил этди. Ҳомийлар томонидан 214 номдаги 9632 та китоблар совға қилинди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Фарғона давлат университетида илм-фан раванқ топди. Кўплаб илм фидоилари томонидан илмий мактаблар фаолиятига асос солинид ва давом эттирилди. Янги Ўзбекистон шароитида мамлакатимизда илм-фан тараққиётига берилган эътибор ўз натижасини берди. Айни шартларда илм-маърифатга интилишга, етук мутахассис бўлиб етишишига замин яратмоқда.



Мазкур мақоланинг лотин ёзувидаги матнини QR-код орқали ўқишингиз мумкин

ЎТГАН АСРНИНГ ОХИРГИ ЎН ЙИЛЛИГИДАН БОШЛАБ ЭНЕРГИЯНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ТОЗА МАНБАЛАРИ – ҚУЁШ, ШАМОЛ ВА СУВ ОҚИМИ ҚУВВАТИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙДИ. СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЭНЕРГИЯ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ЖИДДИЙ КИРИШИЛДИ. СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР ҚўЙИЛДИ. 2030 ЙИЛГА ҚАДАР ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ҚУВВАТИНИ 27 ГИГАВАТТГА, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УМУМИЙ ҲАЖМИДАГИ УЛУШИНИ 40 ФОИЗГА ЕТКАЗИШ БЕЛГИЛАНГАН.

Муқобил энергия: ЁНИМИЗДАГИ ХАЗИНА

Ўки кичик гидроэлектр станцияларнинг катта имкониятлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 мартдаги “Республика худудларида микро гидроэлектр станциялари тармоғини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 1-илласида Фарғона вилотида 2025–2026 йилларда 82 та 2982 кВт қувватли микро ГЭСлар қуриш ва ишга тушириш вазифаси қўйилган. Ҳозирги кунда вилотимиз худудидаги кичик оқимли дарё, сой ва каналларда чархпалак типидagi гидроминшоотлар ёрдамида электр энергияси оладиган 8 та лойиҳа ишлаб турибди.

Кичик гидроэлектр станциялар умумий тармоққа уланмасдан, ҳар бир худуд ва маҳалла кесимида истеъмолчиларни ток билан таъминлай олади. Электр

таннархи ҳам бошқа манбаларга қараганда анча арзон. У ўзини тўла оқлайди. Ҳозир вилотимизда сув оқимида энергия олинмапти, бошқача айтганда, ёнимиздаги хазина хар сония, дақиқа ва соатда пулга айланмапти. Айтиб ўтиш лозимки, мамлакатимиз гидроэнергетик ресурсларининг 24 фоизи Фарғона водийсида жойлашган.

Сув оқими энергиясини гидравлик трубиналар ёрдамида электр токига айлантириб берадиган гидротехника иншоотларини барпо этиш борасида Фарғона давлат техника университети олимлари олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир. Уларнинг сайҳа ҳаракатлари билан сув иншоотларида кичик гидроэлектр станциялар қуриш қўлами кенгайиб борапти.

– Лойиҳалар дастлабки босқич-

да Қува туманидаги “Толмозор” маҳалла фуқаролар йиғини сув иншоотларида, “Қарқидон” сув омбори худудидаги сойлар, сув ҳавзаларида амалга ошириляпти. Бу ердаги имкониятларни ўрганган ҳолда, 10 та микро ГЭС лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ҳозиргача қурилиш қуввати 2 минг 400 киловатт электр энергияси ишлаб чиқарувчи микро ГЭСлар қурилиши яқунланди. Улар бир вақтнинг ўзида 480 та хонадонни муқобил электр энергияси билан таъминлайди, – дейди Фарғона давлат техника университети докторанти Дониёржон Ботиров. – Бир йилда 216 минг метр куб тибий газни тежаш имконияти бор. Туман худудидан оқиб ўтувчи бошқа сув иншоотларини эътиборга олсак, кичик гидроэлектр станцияларнинг катта имкониятлари яққол намоян бўлади.

Дарҳақиқат, Жанубий Фарғона каналининг “Толмозор” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан ўтган 5 километрлик қисмида соатига 120 киловатт электр энергия ишлаб чиқарадиган 5 та кичик гидроэлектр станция қурилди. Бир вақтнинг ўзида 300 га яқин хонадон, ишлаб чиқариш тармоқлари электр токи билан таъминланди. Бу ерда ўнлаб ана шундай қурилмалар барпо этиш ва 1000 дан ортиқ хонадонни, хизмат кўрсатиш шохобчаларини муқобил энергия билан таъминлаш мумкин.

Ҳозирда техника университети олимлари томонидан германиялик мутахассислар билан ҳамкорликда сой ва каналларга қуввати 3 кВт дан 100 кВт соатгача бўлган микро гидроэлектр станцияларнинг янги конструкцияларини лойиҳалаш, тайёрлаш, ўрнатиш ва таъриба синовлар ўтказиш, тижоратлаштириш борасида илмий-амалий ишлар олиб боришмоқда.

Олий таълим муассасаси қошида “Технопарк” ва “Микро ГЭСларни лойиҳалаш маркази” ташкил қилинган. Шу қўнға қадар қуввати 50 кВтгача бўлган экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарувчи микро ГЭСнинг илк намунаси Марҳамат туманидаги “Роҳат” маҳалла фуқаролар йиғини худудида ишга туширилиб, 240 та хонадон муқобил энергия билан таъминланаётган эди. Эндликда, Жанубий Фарғона каналига чархпалак типидagi микро ГЭСлар ўрнатиш учун “200 кВт – Қува-1” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа орқали йилига 43 минг 200 кВт соат электр токи олиш имконияти яратилди. Олтиариқ тумани худудида Малайзия давлати томонидан киритилган инвес-

тиция ҳисобига қуввати 150 кВт соат бўлган кичик гидроэлектр станция қурилиши бошланди.

– Вилотимизда муқобил электр энергияси ишлаб чиқариш орқали истеъмолчилар талабини қондириш борасида катта имкониятлар бор, – дейди Фарғона давлат техника университети профессори, техника фанлари доктори Сирожиiddин Эргашев. – Қуввати 3 кВтдан 500 кВтгача бўлган янги авлод трубинали микро ГЭСлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Биринчи босқичда вилотимиз худудидан оқиб ўтадиган Катта Фарғона ҳамда Жанубий Фарғона каналлари ва уларнинг тармоқларига 230 та ўртача қуввати 50 кВт бўлган микро ГЭСлар қуриш мумкинлиги аниқланди. Бундан ташқари Германиянинг “Wasserkraft volk AG” ва “Nextgen Solutions” консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда Қува, Фарғона туманларида микро ГЭСлар ва 200 кВт соатгача электр энергия ишлаб чиқарувчи янги турбогенератор типидagi гидроагрегатлар тайёрлаш борасида иш олиб борапмиз.

Истикболли кичик гидроэлектр станциялар имкониятларидан самарали фойдаланиш даври келди. Бундай ГЭСлар барпо этиш шу худудлар аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш, ишлаб чиқариш субъектларини тоза ва арзон электр қуввати билан барқарор таъминлаш, юртимиз иқтисодий қудратининг янада юксалишига замин яратади. Бу соҳага инвестиция киритиш истатига бўлган тадбиркорлар сафи эса ортиб бормоқда.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.



Ёзги таътил мавсумида

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ БАҒРИГА ЧОРЛАЙДИ

(Бошланиши 1-бетда).

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва уларни соғломлаштириш мақсадида 2022 йилда Сўх туманининг “Истиқлол” маҳалласида замонавий талабаларга жавоб берадиган 200 ўринли “Сўх” болалар оромгоҳи қурилиб, фойдаланишга топширилган ва ундан ҳар йили самарали фойдаланиб келинмоқда. Фарғона туманининг “Логон” маҳалла фуқаролар йиғини, Янгиобод кўчасида 35 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, 200 ўринли янги замонавий болалар оромгоҳи қурилди. Бу йилги мавсумда у дам олувчи болалар билан тўлади.

Дам олиш мавсумида болалар оромгоҳларида турли фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш, илон ва қорақурт захрига қарши курашиш мақсадида 70 миллион сўмлик доридармон ҳамда дезинфекция воситалари захираси яратилди. Шунингдек, барча турдаги соғломлаштириш масканларига “Тез ёрдам” машиналари бириктирилиб, болаларни тиббий назорат қилиш учун 45 нафар умумий амалиёт шифокорлари – педиатр-

лар, 45 нафар ҳамширалар тайёрланди.

Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти тасарруфидagi оромгоҳлар йўлланмаларини вилотимиздаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган давлат иштирокидаги ташкилотлар ўз тизимидаги ходимлар фарзандлари учун “oromgohlar.uz” электрон ахборот тизими орқали сотиб олиниши йўлга қўйилди.

Хавфсизлиқни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўриш доирасида шаҳар ва туман ички ишлар бўлиmlарининг раҳбар-ҳодимлари, жамоат тартибини сақлаш гуруҳи инспекторлари ҳар бир оромгоҳга масъул этиб бириктирилди.

Барча стационар оромгоҳларнинг тайёргарлиги, ёнғин, йўл ҳаракати, алоқа, электр ва табиий газ таъминоти ҳамда хавфсизлик ҳолатлари тўлиқ қўриқдан ўтказилиб, ётоқхона ва ошхоналардаги ҳижозларга бўлган эҳтиётчи қондирилди. Бундан ташқари, болаларни белгиланган жойга

олиб бориш ҳамда олиб келиш йўл патруль хизматининг малакали ходимлари кузатувида амалга оширилди. Ҳар бир транспорт воситасининг техник соғлиғи қўриқдан ўтказилиши, ҳайдовчилар билан алоҳида йўриқномалар ўтказилиши назоратга олинган.

Оромгоҳларда фаолият юритиш учун 163 нафар тарбиячи ва етакчилар саралаб олинган. Вилотдаги 20 та “Баркамол авлод” болалар мактаблари томонидан ташкилланадиган соғломлаштириш оромгоҳларида 7 та йўналишда, 79 номдаги тўғарақларда 615 нафар педагог ходим ҳамда 23940 нафар ўқувчи-ёшлар қамраб олинади. Уларнинг қизиқишига асосан, қўл меҳнати, робототехника, тасвирий санъат ва бошқа йўналишларда 13 та тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилди.

Стационар оромгоҳлар ва кундузги соғломлаштириш жойларига жалб қилинмаган 509 280 нафар ўқувчи-ёшлар 841 та умумтаълим мактабидagi “Соғломлаштириш майдончалари”да ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказадилар.

Мавсум давомида маънавий-маърифий тадбирлар, турли лойиҳа ва ақциялар, спорт мусобақалари, Ўзбекистон Қўрамонлари, танкичи ёзувчи, шoirлар, санъаткорлар билан учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилди. Оромгоҳлар кутубхоналари 7 мингдан зиёд адабиётлар билан тўлдирилди. Малакали мураббийлар раҳбарлигида спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Осиё, жаҳон, халқаро мусобақалар, олимпиада ўйинларининг қолиби ва совриндорлари иштирокида маҳорат сабоқлари, давра суҳбатлари уюштирилди.

Бир сўз билан айтганда, ёз мавсумида фарзандларимизнинг таътил кунларини мазмунли ташкил этишни талаблар ҳажмасида ўтказиш учун жиддий тайёргарлик қўрилган.

Музаффаржон МАМАТҚУЛОВ,
Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Фарғона вилотат бошқармаси бош мутахассиси.

"ВАТАН ДЕСАМ, ЁНАР ЮРАГИМ!"



Ватан останада бошланади. Бу сўзларда чуқур ҳикмат бор. Чунки туғилиб ўсган жойининг улуглар экансан, Ватан деган муқаддас саждагоҳни севган, улуглаган бўласан. Фарғонанинг эл севган адиблари Эркин Воҳидов, Охунжон Ҳакимов, Анвар Обиджон, Баҳодир Исо ижодининг бош мавзуси ҳам Ватан туйғуси эди.



Иқбол Мирзо, Малика Мирзаева, Мақсуда Эгамбердиева каби етук шоир ва шоиралар ҳам Ватанини мадҳ этувчи ўлмас мисралар битмокда. Улар сафида иқтидорли шоира, ўнлаб шеърини тўпламлар муаллифи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Зухра Алиеванинг муносиб ўрни бор.

Зухра Алиевани Қувада танитмаган инсон йўқ. У Ватан шайдоси. Унинг шеърлари аллақачон эл севган кўшиқларга айланган. Қаредда бўлмасин иззат-икромда. Шогирдлари қуршовида. "Надимий" номидаги

адабий тўғарақдан бир неча шогирд қизлари Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди. Шоира ҳаётга ҳамisha теран кўз билан қарайди. Замондошлари ютуғидан фараҳланади. Юртдаги ўзгариш, бунёдкорликларни олқишлайди. Ва, албатта, қалб эхтиросларини қозғога битади, илоҳий сатрларга жойлайди.

– Муҳтарам Юртбошимизнинг Фарғонага ташрифлари чоғида берган тавсиялари, кўрсатган йўл-йўриқлари асосида Қува кундан-кунга чирой очаяпти, – дейди шоира Зухра Алиева. – Марказий хиббон, осмонўпар уй-жойлар, "Ўжампошшо" зиёратгоҳидаги ўзгаришларнинг ўзи инсонга ўзгача гурур бағишлайди. Биз мана шу юртни гўзал, обод тарзда фарзанд ва набиралар, келгуси авлодларга қолдиришимиз керак.

Ўз мухбиримиз.

Зухра АЛИЕВА

Ватаним, дегин болам

Недир азиз оламда?

Иймон азиз, жон азиз,

Яна, деб сўрар бўлсанг,

Тупроқ азиз, нон азиз,

Шу тупроққа фидодир –

Жон-таним, дегин, болам,

Ватаним, дегин болам.

Бир ҳикмат излар эсанг,

Навоий назмига боқ,

Илм изла, ҳунар ол,

Эрта-кеч бўлгил огоҳ,

Шу тупроққа фидодир –

Жон-таним, дегин, болам,

Ватаним, дегин болам.

Юрт ўғлини – Фарғоний,

Сиймосига таъзим қил,

Аждодлар ёққан чироқ –

Зиёсига таъзим қил.

Шу тупроққа фидодир –

Жон-таним, дегин, болам,

Ватаним, дегин болам.

Меҳнат билан топилса,

Ширин бўлар ушоқ ҳам,

Аҳил бўлсак, бизларга

Етар бугдой, бошоқ ҳам.

Шу тупроққа фидодир –

Жон-таним, дегин, болам,

Ватаним, дегин болам.

Ўқингдда тут, ғанимга

Сотилмайдир эр йигит,

Ўз тупроғин бировга

Бостирмайди шер йигит.

Шу тупроққа фидодир –

Жон-таним, дегин, болам,

Ватаним, дегин болам.

Эл чорласа, қошига

Бошинг билан юриб кел,

Майда гапни ор деган

Тошинг билан қириб кел.

Шу тупроққа фидодир –

Жон-таним, дегин, болам,

Ватаним, дегин болам.

Юрак қонимни тўкиб

Ўстирган гулларимни,

Сенга топширдим, болам,

Қайтарма қўлларимни.

Шу тупроққа фидодир –

Жон-таним, дегин, болам,

Ватаним, дегин болам.

Тинч осмон, қуёшли юрт,

Гуллаб ётган тошли юрт,

Озод, обод Фарғона,

Қаноатли, дошли юрт.

Шу тупроққа фидодир –

Жон-таним, дегин, болам,

Ватаним, дегин болам.



"БУ ЖАҲОНДА ТОПМАС ОРОМ АСЛО ОШИҚ БЎЛСА КИМ"

ТАНИКЛИ ШОИРА ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ АЪЗОСИ МАҚСУДА ЭГАМБЕРДИЕВА ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИДА ТАРБИЯЛАНДИ. 9 ЁШИДА "МЕНИНГ ДАДАМ ИНЖЕНЕР" НОМЛИ БИРИНЧИ ШЕЪРИ ШАҲАР ГАЗЕТАСИДА ЧОП ЭТИЛГАН.

Қўқондаги таълим даргоҳлари ва музейларда ишлаш баробарида, ижодий баркамоллик сари дадил қадам ташлади. Бирин-кетин "Гулбарг", "Мақтуб", "Насиба", "Осмон соҳилида", "Қайтмас кунлар" каби шеърини тўпламлари босилиб чиқди. 1982 йилда Ёзувчилар уюшмаси аъзоллигига қабул қилинди.

Шоира болалар адабиёти ривожини ҳам сезиларли ҳисса қўшди. Унинг "Она бўрининг хийласи", "Ақлсиз қуёнча", "Шимол айиги" ва "Оқ қуён", "Мушук сичқонни нега қувади?" номли эртақлар ҳамда "Қалдирғочнинг қўшниси" шеърлар тўпламлари нашр этилди.

Мақсуда Эгамбердиева бугунги кунда ҳам жўшқин ижод билан машғул. Янги шеърини тўплами нашр қилиниш арафасида. Болалар учун шеърлар, эртақлар, эсдаликлар ёзмакда.

Бугунги шеърини ижтимоий воқеликка муносабат билдириш, ундан пайдо бўлган тўйғуллар аксини ифода этишдан ташқари, ўз кўнгли инкишофини ифода этаятганили билан алоҳида аҳамиятга эга. Инсоннинг ботинидаги "ички мен" қиёфаси

шоира шеърятининг асосий образларидан биридир. Бу, кўпинча, ёлғиз инсон образидир. Унинг "Ёлғизлик", "Уқинчлар сенки", "Тўртинчи қаватга чиқар бир аёл" каби туркум шеърларида бунинг ифодасига дуч келамиз. Шундай шеърларидан бирида гўзал ташбеҳлар қўллайди:

Игласа, қўзидан дур тўкилмаган,
Оғзидан гул сочмай қўйган

пари – мен.
Ўша – даврон чертиб

кўрганда синган,
Жонон пиёланнинг синиқлари – мен.

Шоира халқ оғзаки ижоди образларидан унумли фойдаланган. Биз эртақлар орқали "қулса – гул, игласа – дур" сочадиган маликаларни биллашамиз. Лирик шеърнинг қаҳрамони ҳам бир пайтлар ўзини маликадай ҳис қилган, энди эса гул ва дур сочмай маҳзун қолган. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Ахир уни давр, тақдир синдириб қўйган. Шунинг учун энг қимматбаҳо саналмиш "жонон пиёла"га ўзини ўхшатади. Даврон нега англамадимикин, нега қадрламади экан бу жонон пиёлани? Кўнгли пиё-

ласи – жонон пиёла синди. Бу сатрлар ортида камтарингина, хокисоргина кўнгли кўриниб туради.

На олтин, на гавҳар қутиб яшадим. Мен сиздан бир хабар қутиб яшадим.

Ўшбу сатр икки мисрадан иборат. Биринчи мисранинг ўзи бир инсон умрининг маълум бир манзилга етганидан хабар беради. Демак, бу – умр манзили. Иккинчи мисрада умрини бир хабар деб ўтказган лирик қаҳрамон азиз инсонидан бир хабарни олтиндан ҳам, гавҳардан ҳам азиз билади.

Шоиранинг шеърлари қутилмаган ташбеҳларга бойлиги, образларнинг қуюқлиги, фикр теранлиги билан ажралиб туради. Мақсуда Эгамбердиева серкирра ижоди орқали Ўзбек адабиётининг бир бўғини бўлимиш Қўқон адабий муҳитини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётди.

Муҳаммадтоҳир АБДУПАТТОВЕ,
Фарғона давлат университети
доценти.

НАВОИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Мисликим боғ ичра қўлланнинг шамоли айланур,
Ишқпараст дилда мудом ишқнинг саволи айланур,
Гўё хижрон кечаси соғини хилоли айланур,
Музтариб кўнглим аро ул юз хаёли айланур,
Мавжлук сувда қуёш акси нечуким чайқалур.

То қаро қоши, қаро қўзгадир бу дил қарам,
Токи раъно қад билан бўстонад ул ташлар қадам,
То ҳумор боқишлари мен ошиғига муғтанам,
То узори жилва айлар, жилвагардир зулфи ҳам,
Меҳр то айлар таҳаррук, соя доғи тебранур.

Бу жаҳонда топмас ором асло ошиқ бўлса ким,
Кўп рақиблар, шул сабаб мен ўртанурман бунда жим,
Не бўлар эрди агар айтсам юзига суймагим,
Чун улуска ишқи ўт солди, ажаб йўқ куймаким,
Бешага чун тушти хар ён шула, хас ҳам ўртанур.

Қанча ошиқликни даъво қилмайн мендай ғариб,
Қанча чексам изтироб йўлида баргдек сарғариб,
Қанча сарсон кезамини даргоҳига йўл ахтариб,
Этма қад бирла мени сарғаштадурман, музтариб,
Токи тавгон азмига, билдимки, ул шўх отланур.

Не ғаразда ортидан бориб етарлар хўблар,
Ўзларини гарчи мардона тутарлар хўблар,
Довдираб, бир неча отни хуркитарлар хўблар,

Шўхлик расмин анга таслим етарлар хўблар,
Секрамакта ўйла ким учкун чақинга ўтканур.

Ёғдимки ишқ сатҳига андуҳ қори ҳажрдин,
Қўрганми дарду ситамларнинг бозори ҳажрдин,
Қопламыш оламни зулматнинг ғубори ҳажрдин,
Соқиб, бер майки, шомни ҳумори ҳажрдин,
Бир паришон туш кўруб, бу хаста хар дам сесканур.

Ўйлама, топмоғим осон деб ҳаёт наҳрида дўст,
Ўйлама, тургай дебон хар боб-ла ўз аҳлида дўст,
Ўйлама, ранжитмағай дўстини деб, қаҳрида дўст,
Кимки жон айлаб фидо, қозғонса даҳр аҳлида дўст,
Англағил, эй дўстким, ул душмани жон қозғонур.

Бузди тошган ул хирад тўғонини ёшим сели,
Куймағимни қайдаман англар эди ғафлат эли,
Қаҳри қаттиқ шохдан олисда Мақсуда қули,
Эй, хуш улким, бошининг остидадур дилбар қули,
Ким Навоий кечалар бори ўз илгин ёстонур.

ЯХШИ ТУШЛАР КЎРИНГ

Яхши тушлар кўринг, ойдин кечалар,
Термилиб турганда юзингизга бахт.
Босган изингизни сақлаб қўчалар,
Исмингиз шивирлаб айтarkan даррахт.
Яхши тушлар кўринг, уйқусиз гуллар
Сизга афсоналар тўқиётган чоғ.
Юлдузларга боқиб мудрок довуллар
Ўзича фалсафа сўқиётган чоғ.

Йиллар ва йўллар

"САЛОМАТ БЎЛИНГ!"

ҲАЁТ ЛАҲЗАЛАРИНИ ТАРИХГА МУҲРЛАЁТГАН СУРАТКАШ-ЖУРНАЛИСТ ШАМСИДДИН ҚОРАБОЕВ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

УНИНГ ЖУРНАЛИСТИКАГА КИРИБ КЕЛИШИ ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛИКДАН БОШЛАНГАН. ЎШАНДАН БЕРИСИГА ҚАНЧА СУВЛАР ОҚИБ ЎТДИ. ҲАЁТНИНГ ПАСТ-БАЛАНД, ЎЙДИМ-ЧУҚУР ЙУЛЛАРИДА ҚОҚИНМАЙ, МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАШДАН ТОЛМАДИ.



Бугун умрининг етмиш бешинчи баҳорини қарши олган сураткаш-мухбир жамиятда энг фаол, жонқуяр мураббий, ёш журналистларнинг устози, оилада фарзандларининг меҳрибон отаси, набираларининг суюкли бобоси сифатида иззат-ҳурмат топган обрўли инсон, 1 даражали "Меҳнат фахрийси".

– Дадам 2-Украина фронтида пулемётчи сифатида жанг қилган, урушдан сўнг вайрон бўлган қишлоқ хўжалигини тиклаш ишларида фидоийлик кўрсатиб, 102 ёшида оламдан ўтдилар. Тасодифни қарангки, мен 9 май куни дунёга келган эканман. Хар йили бу кунни дадам раҳматли қўшалоқ байрам сифатида нишонлар эдилар. Оиламизда 5 ўғил, 7 қиз фарзанд улғайганмиз. Ота-онамиз бизни тинчликни қадрлашга, Ватанини севишга, унинг тараққиёти йўлида сидкидилдан хизмат қилишга ўргатганлар, – деб хотирлайди Шамсиддин ака.

Ёшлиқда олган тарбия, билим, камтарлик ва самимийлик беиз кетмади. Бу инсоний фазилатлар ҳали-ҳануз Шамсиддин акага зеб бериб туради. Фарғона давлат университети-нинг жисмоний тарбия факультетида ўқиётган чоғида волейбол бўйича вилоят терма жамоаси сафида кўплаб ютуқларга эришди. Аъло ўқиши, жамоат ишларидаги фаоллиги учун уни давлат стипендиясига тавсия қилишди. Қува тумани халқ таълими бўлими мудирининг спорт ишлари бўйича ўринбосари, "Ёш куч" спорт жамияти раиси сифатида туманда

соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Айни пайтда ижод уни ўзига ром этар, "Қува ҳаёти" газетаси таҳририятининг топшириғи билан жамоатчи мухбир жамоа хўжаликларига велосипедда бориб, мақола тайёрлаб қайтар эди. Уша пайтда ташкил этилган Қува шаҳар ҳокимлиги раҳбари Феронжон Муҳиддинов билан суҳбатда "Шаҳарга газета керак" деган таклифни ўртага қўйди. Ташаббус маъқулланиб, "Қубо садоси" газетаси дунё юзини кўрди.

Шамсиддин Қорабоевнинг фото-ижодкорлик фаолияти "Фарғона тонги", "Фарғона ҳақиқати" – "Ферганская правда" газеталари бирлашган таҳририятида ишлаган даврларида, айниқса, самарали бўлди. Сураткаш мухбир бормаган шаҳар, туман, қишлоғу маҳаллалар, хонадонлар қолмаган ҳисоб. Вилоят ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва маданий ҳаётининг хар бир қирраси моҳирона олган суратларидан ўз аксини топган. Ўзбекистон Қаҳрамонлари, таникли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, жаҳон ва Олимпиада ўйинлари чемпионлари, иқтидорли йигит-қизлар, деҳқон, бобону соҳибкорлар ҳаётининг оний лаҳзалари муҳрланган суратларни санаб адоғига етиш қийин.

– "Фарғона ҳақиқати" – "Ферганская правда" газеталари бирлашган таҳририятида ишлаган давримни умримнинг энг сермазмун, серзавқ ва ижодий юксалиш йилларим бўлган, деб ҳисоблайман. Аъзам-жон Ортиқов, Иброҳимжон Ашуров, Тوشқўзи Мўллаев, Қодиржон Шодмонов, Юрий Ефимов, Муҳаббат Иброҳимова, Талибжон Турсунов, То-

хиржон Ҳамроқулов (барчаларини Оллоҳ раҳматига олсин) сингари устозларимнинг ҳаёт ва ижод мактабларидан сабоқ олдим. Улар ўз соҳасининг истеъдодли вакиллари эдилар. Шаҳар, туман, вилоят газеталари таҳририятлари ижодий жамоалари билан ҳамнафас, ҳамкорликда меҳнат қилганим, уларнинг пурмаъно суҳбатларидан баҳраманд бўлганимдан қалбимда фахрифтхор туяман, – дейди у миннатдорлик билан.

Ўз навбатида, ёш фотожурналистлар, қўлига қалам тутган ёшлар Шамсиддин Қорабоев яратган фото-ижод мактаби маҳоратидан сабоқ олмоқдалар. "От изини той босар" деганларидек, ўғли Шерзод Қорабоев бугун республика ва вилоят босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритиб, Қорабоевлар сулоласи анъаналарини муносиб давом эттиряпти.

"Устоз кўрмаган шогирд хар макомга йўрғалар", дейишади. Доврукли фотожурналистлар Тоҳиржон Ҳамроқулов, Шухратжон Олимов, Шамсиддин Қорабоевдан олган сабоқларим фаолиятимнинг хар дақиқасида асқатади. Ҳаётда эришган барча муваффақиятларимни уларнинг ўғитлари, панд-насихатлари самараси деб биламан, – дейди Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири Муқимжон Қодиров.

Ўзбекистон спорт фахрийси, таникли фотожурналист, "Ўзбекистон Мустақиллигига 25 йил", "Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги" эсдалик нишонлари, кўплаб Фахрий ёрлиқлар, ташаккурномалар соҳиби Шамсиддин Қорабоев ёшлардек гайратли, ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида жавлон уриб, санъаткорона суратлар яратиш, келажак авлодларга аждодларининг ёрқин ва бетакрор турмуш лаҳзаларини инъом этиш билан банд.

Ҳеч эътибор берганмисиз – сураткаш мухбир фотоаппаратини "чирк" этказиб босгач, "Сизларни тарихга муҳрладим" дегандек:

– Саломат бўлинглар! – дейишни қанда қилмайди.

– Сиз ҳам соғ-омон бўлинг, фарзандлар, набиралар бахту камолини кўриб юринг, Шамсиддин ака!

Абдужалил
БОБОЖОНОВ.



"ТАЪЛИМ ФИДОКОРИ"

Ўқув йили якуни арафасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Фарғона вилояти кенгаши раисининг хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Рисолатхон Мамажонованинг ёшларга бўлган эътибори, таълим соҳасидаги фидоийлиги ва ватанпарвар авлодни тарбиялаш борасидаги хизматлари эътироф этилиб, "Таълим фидокори" эсдалик нишони билан тақдирланди.

Рисолатхон Мамажонова Ёзёвон транспорт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари каби лавозимларда ишлаб юрган йилларда ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати сифатида мамлакатимизнинг ёшларга оид давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этди.

ЭЪЛОНЛАР

Фарғона шаҳар, Тадбиркорлар кўчаси, 50-уйда жойлашган "Corona farm" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар, Истиклол кўчаси, 74-уйда жойлашган "Istiqlol Quvasoytamiqurilish" futbol klubi 2025 йил 14 апрелдаги 1-сонли ййғилиш баённомасига асосан ўз фаолиятини ихтиёрий тугатаётганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Даъво ва шикоятлар 1 ой давомида қабул қилинади. Мурожаат учун тел: +998 97 597-36-63.

Оғриқларимиз

Фарзандларнинг БОПАЛИГИНИ ТОРТИБ ОЛМАНГ!

ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАРГА КЎРА, МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИДА ТАРБИЯЛАНГАН БОЛАЛАРНИНГ МАЪЛУМ ҚИСМИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ ДЕБ ТОПИЛГАН. БУНИНГ САБАБИ ЭСА УЛАРНИНГ ОНГУ ШУУРИДА ОТА-ОНА БЕРАДИГАН ТАРБИЯ ЎРНИДА БЎШЛИҚ ПАЙДО БЎЛГАНИ БИЛАН ИЗОҲЛАНАДИ.

Фалати воқеа тафсилотини эшитдим. Бир оила болалар уйида тарбияланаётган тирик етим қизчани фарзандликка олган экан. Уйда ёлғиз қолган қизалоқнинг қорни очиб, ошхонага кирибди. Емоқчи бўлиб идидида турган тухумни қўлига олибди. Уни пишган деб хаёллаб, пўчоғидан ажратмоқчи бўлганида, ёрилиб кетиб, ичидаги суюқлик оқиб кетибди. Ҳеч қачон тухумни бу ҳолатда қўрмаган қизча даҳшатга тушиб, хушини йўқотибди.

Кимдир бунда нўқоқлиги учун қизчани айбдор санаши мумкин. Аммо аввалги меҳрибонлик уйларида тарбияланган болаларнинг ҳаётини кўз олдингизга келтиринг, улар ҳар кунги бир хил тартибга риоя этган ҳолда яшаганлар. Оилада ўргатиладиган энг оддий юмушлардан тортиб, муомала маданиятигача бўлган жараёни фақат тарбиячиларидан ўрганганлар. Вояга етиб, мустақил ҳаёт кечира бошлаганларида эса турмушнинг қўтлмаган мураккабликларига дуч келишган. Ачинарлиси, кўпчилигининг "ота-онаси" тирик ва улар масъулиятни сезмаслиги, жамиятнинг кичик бўлаги бўлган оилани қадрламаслиги тўғрисида фарзандларидан воз кечган.

Асл мудабоғ кўчадиган бўлсақ, вилотиимизда ўтган йили 29179 та никоҳ тузилган бўлса, ажратиш ҳолатлари 4800 тани ташкил қилган. Энг кўп Фаргона (594 та) ва Қўқон (548 та) шаҳарларида қайд этилган бўлиб не-не орзу-умидлар билан турмуш қўрган ёшларнинг ажрлаш тўғрисидаги аризаларини қаноатлантиришга тўғри келган. 240 дан зиёд болага васийлик тайинлаш учун ҳужжатлар тайёрланган.

Тан олиш кераки, деярли жуда кўпчилигини мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳақиқий мусибатга тенг бундай ҳолатларга нисбатан ўта бефарқмиз. Ҳаёт қисқа "умр қўрган" никоҳнинг бузилишида ким айбдор бўлишидан қатъи назар, ҳар икки ёшнинг кўнгли пиласини чилларчин бўлгани, нафақат оилалар, балки бутун бошли қавмлар орасида интихосиз низоларни келтириб чиқариши, жамиятга ҳукм сўраётган аҳиллиги, меҳр-оқибатга пўтур етказиши, ҳар икки томоннинг йиллар давомида йиққан-терганининг шамолга совирилиши гўё ҳеч қимми қизиқтирмайди. Бу вазиятда, "Ҳа, энди қолдузи-қолдузига тўғри келмабдиш", деган шунчаки тасалли билан чекланамиз ва айнан шу

тасалли "ҳар шохга ўт тушса, ўзи ёниб-ўзи ўчиши"га олиб келаётганини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Қўзатишлардан маълум бўляптики, ақсар ҳолларда никоҳнинг бузилишига эрта турмуш қуриш ва жуда кўпчилик юртдошларимизнинг сийратига ёпишиб олган мол-дунёга ўқлик иллоти сабаб бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланган. Айрим фуқаролар борки, қизининг ёши ўн саккизга тўлган кунгич ҳуддики, халқ ибораси билан айтганда, озгина кечикса, поезд кетиб қоладигандек турмушга беришга шошади. Афсуски, айрим ҳолларда оилалар қанчаллик шошма-шошарлик ҳамда тез-корлик билан қурилган бўлса, шундай ҳолатда таназзулга юз тутётганига ғувоҳ бўляпмиз. Сабаби – ёш келинчақ мустақил оила қуришга ҳам жисман, ҳам маънан тайёр эмаслиги аён бўлади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, у хали болаларча мулоҳаза юритишдан тийилган эмас, шунингдек, турмуш ўрғотининг, қайнота-ю қайнонасининг, қариндошу қўшниларининг ҳурматини жойига қўйишни эплашга қодир эмас. Нуроний онахонлар айтмоқчи, оила мустақамлиги йўлида "Сув келса симириб, ўт келса кемириш"га одатланиб улгурмаган. Қолаверса, нафақат ёшлар, балки қайнона мақомига эришган баъзи аёлларнинг, янада аниқроқ қилиб айтлганда, айрим оналарнинг мол-дунёга, латта-путтага ўчилиги, қимматбаҳо тақинчоқлар жилвасига ошўфалиги ҳам умид билан бунёд этилган оилаларнинг кўнпаякун бўлишига салбий таъсир кўрсатапти.

Биз қўрмаганмизу, аммо эшитганимиз бор, авваллари қалин бериш урф бўлган экан. Энди эса жуда узок йиллар давомида яшаб келган бундаини одатга нўқта қуйилган. Йўқ назаримда, шу ерда салгина янглишдик чоғи. Қалин бериш бугунги кунда бошқача қўёфага кирган. Авваллари йигит томон қиз томонга қалин берган бўлса, энди қиз томон йигит томонга, гарчи "қалин"деб аталмасада тўйдан олдин ҳаддан зиёд "мурувват" кўрсатапти. Эндиликда қизнинг ота-онаси жуда қўллаб қўрпа-ёстик, гилам, қимматбаҳо мебеллар тўплами, энг тоза идиш-товуқлар ҳада қилиш баробарида, янги қуданинг ётоқхонаси-ю, ошхонасига-ча ҳўрлобдиш, телевизор, кир ювадиган машинадан тортиб, чангўттичгача

олиб беришга мажбур. Нафақат, келин-кўёвга аталган уйнинг, балки қайнота-ю қайнонаси истиқомат қиладиган хоналарнинг деразаларига алламбало пардалар осиб бермаса, гўёки ўша ҳовлига келин тушгани билинмайди... Бундай манманлик ва кибр илдизига болта уриш вақти аллақачон етиб келмадимикан?! Зеро, бу вазиятда ҳақиқий жабрдийда ажрашаётган эр ва хотин эмас, уларнинг фарзандларидир...

Ўзим яшайдиган маҳаллада Саҳобат исмли келин бир қизи билан ота уйига қайтиб келди. Ота-онаси эрта ўтиб кетгани учун ўзи ҳам, қизи ҳам акаларининг уйига сизмади. Собик турмуш ўртоғи "пўхта"гина йигит экан, қизни ҳеч вақосиз кўчага ташлаб қўйди. Аёл уй-жой қилиш, ёлғиз қизини ўқитиш ниятида иш сўраб бормаган ташкилоти, ёрдам сўрамаган қариндоши қолмади. Ахирий, қизини хусусий мактабга топширди-ю, Туркияга ишлаш учун кетди. Эндигина 1-синфга бораётган Маъсуданинг кўзларида қувонч йўқ. Тақдир уни отадан тирик етим қилган бўлса, чорасизлик уни онасидан ҳам айирди. Саҳобат оша хали ёш, тенгини топса, турмуш қураб, бироқ мурғак қалби озорланаётган, тоғаларининг, келинкойиларининг қўлида турткиланаётган Маъсуданинг келажаги ҳеч қимми қизиқтирмаётгани ачинарли...

Демак, оилавий муносабатларда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, муаммоли вазиятларда сабр билан иш тутиш зарур. Бунда, албатта, оиладаги ёши улўлардан ибрат олиш, уларнинг насихат ва ўғитларига амал қилиш макссадга мувофиқдир. Бу борада кекса авлод вакиллари билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг пурмаъно фикрлари-га қўлоқ тутамиз.

– Турмуш қўрганимизга 40 йилдан ошди, – дейди "Қалдушон" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Абдуқодир ота Назиров. – Яратганга беадад шўқурлар бўлсинки, фарзандларимиз ахил-иноқ, бир-биридан ёрдамини аямайди.

Назировлар хонадонига икки келин тушган. Маҳалладошларининг айтишича, шу кўнга қадар бу хонадонда икки келин – Мухтасархон ва Шоҳсанамхон ўртасида бирор марта жанжал бўлгани келинларнинг аразлаб уйига кетиб қолганини биров билмади.

Олатой қизилогидайи Меҳринсахон ая ва Қўқонбой отанинг оилалари ҳам ҳавас

қилса арзигулик. Бу хонадонга беш нафар келин тушган. Уларни бир оилга жамлаб, ўзаро тотувликка ўргатаётган оила бекаси Меҳринсахон аядан бахтли яшаш сирини сўрадик. У бунинг сири аҳилликда экани, ҳар ким ҳам тўла-тўқис бўлмаслиги ва инсонни борица қабул қилиб, ўзаро тушуниб яшаш орқалигина ҳаёт синовларидан ўтиш мумкинлигини таъкидладилар.

– Турмуш ўртоғим билан салкам 50 йил бирга яшадик. Уч фарзандимизни ўқитиб, уйли-жойли қилдик, – дейди қайвони онахон Холидахон ая Абдураисмова. – Кичик низолар, келишмовчиликлар ҳар бир оилада бўлиб туради, бундай вазиятларда келин-қизларимга ҳам, ўғилларимга ҳам бир гапни такрорлайман: ғазаб отига минманг, бир-бирингизни эшитинг ва энг муҳими, кўзингиз нури, қалбингиз қувончи бўлган фарзандларингизнинг болагинини тортиб олманг!

Динимизда ҳам оилавий масалаларга алоҳида аҳамият қаратилган. Албатта, ҳар тўқисда бир айб деганларидек, инсон зоти айбу нуксондан холи эмас. Шундай экан, эркаклар ўз аёлларининг айбларини беркитиб, оиланинг бардавом бўлишини кўзда тутган ҳолда уларга панду насихат қилиб туриш буюрилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар:

"Ҳеч бир мўмин ўз мўмина аёлини ёмон кўрмасин. Агар унинг ҳулқ-атворидан бирини ёқтирмаса, бошқа ҳулқини ёқтириши мумкин".

Аёл киши оиланинг бир бўғини ҳисобланади. Ислом шариати ҳар қандай шариотда ҳам аёлни қийинтириш, таомлантириш, бошпана билан таъминлаш ва бошқа харажатларни эрининг зиммасига юклаган.

Ривоят қилинишича саҳобалар Расулulloҳ (с.а.в.)дан: "Зиммамизда хотинларимизнинг қандай ҳақлари бор?", деб сўрашганда, У зот (с.а.в.): "Еганингизда уни ҳам едирмоғингиз, қийганингизда қийдиримоғингиз, юзига урмаслик, ёмон сўзлар билан ҳақорат қилмаслик", дедилар.

Оилалар бардавомлигини таъминлаш, унинг шаънини кўз қорачигдек асраб-авайлаш, оилага дахлдор бебаҳо қадрият ва аъьаналарни келгуси авлодларга етказишда ҳар биримиз масъулмиз. Ниятимиз, ҳар бир оила маънавий соғлом, бахтли ва хотиржам ҳаёт кечирсин. Оила бағрида улғаяётган фарзандлар қомил инсон сифатида вояга етиб, давлатимизнинг қучига қўч, қудратига қудрат қўшаверсин.

Дурдона ҒОФФОРОВА.

Ҳаж – 2025:

“ЛАББАЙКА”НИ АЙТИБ, ФАРЗ АМАЛЛАРИНИ БАЖАРЯПМИЗ

ШУ КУНЛАРДА 55 НАФАР ЁЗЁВОНЛИКЛАР ҲАЖ ЗИЁРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШМОҚДА. ҚУВОНАРЛИ ТОМОНИ, ҲЕЧ ҚАЧОН БУНЧАЛИК КЎП ТУМАН-ДОШЛАРИМИЗ БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА МУБОРАК САФАРДА БЎЛМАГАН.



Зиёратчилар туман ҳокимлиги, тиббиёт бирлашмаси вакиллари томонидан иззат-икром билан Наманган халқаро аэропортига қўзатиб қўйилган эди. Аэропортда эса бўлғуси ҳожиларга ишчи ғуруҳ аъзолари, ёшлар сидкидидан хизмат қилдилар. Мадинаи мунавварага келиб тушгач ҳам шундай бўлди.

– Қаранг, зиёратга келгунимизча юкларимизга қўлимизни теккизмадик, – дейди меҳнат фахрийси Одилжон Ҳасимов. – Хизмат кўрсатувчиларнинг чаққонлиги-ю, ширин сўзлигига нима дейсиз?! Шундай шароит яратиб берган Юртбошимизга раҳмат.

Биз дастлаб Мадина шаҳрида Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида беш вақт намозларни ўқидик. Сўнгра икки олам сарвари равазаларини зиёрат қилиб, қўллаб юртдошларимизнинг саломларини етказдик. Бирин-кетин Ислом дини тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган манзиллар – "Қубо" масжиди, Уҳд тоғи, "Бакиъ" қабристони зиёратларида бўлдик.

Тарихий қадамжоларда биз Қўрьони қарим оятларидан тиловат қилиб, ўтганлар ҳаққига бағишладик. Шунинг баробарида, шундай улўг жойларда юртимизга тинчлик-омонлик, барака тилаб, ота-боболаримиз орузси бўлган Ҳаж амалларини бажариш насиб этгани учун бу хайрли ишлар бошида турган катта-ю кичик раҳбарлар ишига ривож тилаб, қўлларимизни дуога оддик.

Тездагина дастлабки кунлар ўтиб кетди. "Ҳайр, Мадинаи мунаввара, салом Маккаю мукаррама", дея эҳромни

боғлаб, йўлга тушдик. Микодга киришдаги Зўлф хўлайфа масжидида Умра амалини бажаришни ният қилиб, икки ракат намоз ўқидик-да, "лаббайка"ни айтиб, йўлда давом этдик.

Маккаю мукаррамада юртдошларимиз учун ажратилган меҳмонхонада ишчи ғуруҳ аъзолари ҳадялар билан кўтиб олишди. Белгиланган хоналарга жойлашиб, Умра амалини бажариш учун ҳарам шариғига йўл олдик.

– Шундай улўғ жойларга етказгани учун Аллоҳга шўқур, – дейди қўлигулистонлик меҳнат фахрийси Мухаммадҷон Қўҷқоров. – Ҳаж амалларини бажаришга умр йўлдошим билан келганмиз. Шароитлар жуда яхши.

Элликбошимиз Аюбжон домла Алиев бошчилигида Каъбани тавоб айлаб, Сафо ва Марва тепалиқлари ўртасида сайр қилдик.

Биз фарғоналикларга ажратилган меҳмонхонада Андижон, Хоразм вилотлари, Қорақалпоғистон Республикасидан келган юртдошларимиз ҳам жойлашди. Меҳмонхона масжиди ҳарам ҳудудига қиради. Бу ерда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари, ул зотнинг ноиб ва бошқа уламолар томонидан ўтказилаётган фойдали суҳбатлардан баҳраманд бўляпмиз.

Олдимизда турган мусулмончиликнинг бебешини фарзи – Ҳаж зиёратини амалга оширишда Аллоҳ куч-қувват берсин барчамизга, омин!

Азимжон ХУДОЙҚУЛОВ,
Саудия Арабистонининг
Макка шаҳридан "Фаргона
ҳақиқати" учун махсус
тайёрлади.

Буюк сиймолар

АБУ ТАЙЙИБ ХЎҚАНДИЙ КИМ БЎЛГАН?

ХЎҚАНДИ ЛАТИФ
МАРКАЗИЙ ОСИЕНИНГ
ЭНГ ЙИРИК СИЁСЙ,
ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ,
МАЪНАВИЙ МАРКАЗЛА-
РИДАН БИРИ СИФАТИДА
МАШҲУР БЎЛИБ КЕЛГАН.
ҚАДИМГИ ХИТОЙ МАНБАЛА-
РИДА ҚАЙД ЭТИЛГАНДЕК,
ШАҲАР МИЛОДИЙ ЭРАДАН
АВВАЛГИ II АСРДА ҲАМ
МАВЖУД БЎЛГАН. АРАБ
ХАЛИФАЛИГИ ДАВРИДА
ХЎҚАНД ФАРҒОНАНИНГ
ЎРТАЧА НУФУЗГА ЭГА
БЎЛГАН ШАҲАРЛАРИ
ҚАТОРИДА ТУРГАН. IX-XII
АСРЛАРДА ЯШАБ ЎТГАН
ШАРҚ ТАРИХЧИЛАРИ,
САЙЁҲЛАР ВА ЛУҒАТШУНОС
ОЛИМЛАР ЎЗ АСАРЛАРИДА
ХЎҚАНД ШАҲРИНИ ҲАМ
ҚАЛАМГА ОЛИБ ЎТГАНЛАР.
УЗОҚ ТАРИХ ДАВОМИДА
БУ ЎЛҚАДАН ШАРҚ ВА
ИСЛОМ ОЛАМИГА ТАНИҚЛИ
БЎЛГАН БУЮҚ АЛЛОМАЛАР
ЕТИШИБ ЧИҚҚАН. УЛАР-
ДАН БИРИ АБУ ТАЙЙИБ
ХЎҚАНДИЙДир. АФСУСКИ,
ОЛИМ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ
ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА МАЪ-
ЛУМОТЛАР ЖУДА КАМ
САҚЛАНИБ ҚОЛГАН.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Абу Таййиб Хўқандийнинг тўлиқ исми – Абу Таййиб Тоҳир ибн Мухаммад ал-Маҳзумий ал-Хўқандий бўлиб, XI асрнинг биринчи ярмида Қўқонда туғилган. У зотнинг "ибн Мухаммад ал Маҳзумий" нисбалари (ота исмлари) ота-боболарининг етук диний ва дунёвий билимга эга алломалар бўлганликларидан дарак беради. Абу Таййиб – унинг қўнжлари (мавжуд ёки бўлажак фарзанд исми), Тоҳир – исми.

Машҳур сайёх, аллома, тарихчи Ёқут Ҳамавий 14 жиҳди "Мўъжам ул-бўлдон" (Мамлакатлар лўғати) номи топонимик (жой номилари) асариде шундай ёзади: "Хўқанд – Фарғонадаги бир шаҳар. Ҳижратнинг 500 йиллида вафот этган адиб, устоз Абу Таййиб Тоҳир ибн Мухаммад ал-Маҳзумий ал-Хўқандий шу ерлик бўлганлар".

Тоҳир ибн Мухаммад дастлабки таълимни Хўқандада олган, отаси ва устозлари ўргатган барча фанларни пўхта эгаллаган. Бироқ у бу билан тўхтаб қолмай, билимини ошириш макссадида Шарқнинг энг йирик илмий маркази бўлган Бағдодга боради.

Бўлажак олим мадраса толиби сифатида ўша даврда яшаган олимлар билан кўп марта учрашиб, билимини оширган. Бағдоднинг машҳур кутубхонасида ишлаган ва бу унинг илмий фаолиятига катта таъсир қўрсатган. Мадрасани тўтатгач, кутубхоначилик, қозилик ҳамда мудarris бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга, илм олишдан тўхтамади ва ўз даврининг йирик қомусий олими даражасига кўтарилди. Абу Таййиб Хўқандий умри даво-

мида фикҳ, сарф, наҳв, илми калом, илми фараиз (мерос илми), тафсири, ҳадис, тасаввуф назарияси, грамматика, фалсафа, ризиёт, шунингдек, табииий фанлар бўйича ўттиздан ортиқ асарлар ёзган. Уларнинг рўйхати Ёқут Ҳамавийнинг "Мўъжам ул-удабо" (Адиблар лўғати) асарида келтирилган.

Қўқонлик тарихчи олим Мухаммад Яхёхон Хўқандийнинг **"ХЎҚАНДИ ЛАТИФ МАНОҚИБИ"** тазкираларида келтирилган маълумотдан кўри-надики, Тоҳир ибн Мухаммад қозилик вазифасини бажариб турганларида адолат ва одамлиликни ҳамма



нарсадан устўн қўйган. Қайд этилишича, кўнлардан бир кўн Бағдод қозихоналаридан бирида йирик бир амалдорнинг Асад исмли қўли бўйича ҳўкм эшитилади. У ўғрилиқда айбланган ҳамда биринчи марта жиноят содир этгани учун қўлини кесиш ўрнига, 100 даррага ҳўкм қилинганди. Абу Таййиб ҳазратлари шу кўни қозихонани тафтиш қилиш учун келганди. У ўз мартабасидан фойдаланиб, юз даррани эл-

лик даррага қисқартиради. Бунга қозии ва қўлнинг эгаси эътироз билдиради. Ҳазрат ўз ҳўкмини фикҳ қоздалари асосида исботлаб берадилар ва шундай қўшимча қиладди:

– Бу қўл бечора дунёга келиб нима рўшонулик кўрди? Туғилгандан бўён ҳеч қандай маърифат олмаган, ҳатто сиз еган таомларнинг ярмини ҳам емаган, қийган қийимларингиздан қиймаган, энг оғир юмушларни бажарган, кўпинча нон ўрнига туртки ва тепки еган. Шу тўғрисида одил шариатимиз қўлга озода дамга берадиган жазонинг ярим ҳиссасини буюради.

– Бу одиллигингизни ўз юртингиз Мовароуннахрга бориб қилинг, – дейди норозии мансабдор газабланиб.

Ҳазрат Абу Таййиб уларга босиқлик ва хотиржам ҳолатда шундай дейди:

– Менинг юртим Мовароуннахрда бу ердэгидек қўллик йўқ. Тўғри, баъзи харбий асирларнинг бир қисми қўл қилинади, лекин улар ўз ҳўжайинининг хонадонида оила аъзосидек бўлади, хизматкорлар нима еб-ичса, ўшани еб-ичади, нима кийса, ўшани киядилар.

Можаро шу билан тўғмайди ва халифа Халифа ал-Муктади биллоҳ (розияллоху анху)гача етиб боради. У халифалиқнинг энг олий руҳонийси сифатида Абу Таййиб Хўқандий чиқарган ҳўкмини тасдиқлайди.

Шу тарика Абу Таййиб илми билан машҳур бўлади, қўллаб алломаларга устозлик қиладди. У зот дарс берган мадраса Бағдоднинг энг машҳур ва толиби илмлари кўп олиий ўқув даргоҳига айланади.

Араб шоири ва адиби, аллома Абу Мухаммад Қосим ибн Ҳаририй "Мақомат ул-хамсия" асарида устоз

Абу Таййиб Хўқандийнинг мударрислик салоҳиятлари ҳақида қуйидаги воқеани келтиради:

"Дамашқлик машҳур аллома Ҳорис ибн Ҳаммом Бағдодга келганида ҳазратнинг шўхратини эшитиб, унинг салоҳияти ва шоғирдлари орттирган билим даражасини синаш макссадида шериклари билан мадраса дарсхонасига кириб келади ва устозга ўз макссадини аятади. Устоз ўйлаб ўтирмай "авсат" (ўртача билим) босқиқидаги ўнта шоғирдидан бирини чақиради:

– Эй Маҳмуд, шундай бир ғазал ёзиб кўрсатгинки, сўзларида бирорта нўқтали ҳарф бўлмасин.

Шоғирд узоқ ўйлаб ўтирмай, 10 байт-ли ғазал ёзди, ҳар бир мисрасига "ах" қофияси жўр бўлади. Хурсанд бўлган устоз яна бир шоғирдини чақириб:

– Эй Мухаммад, энди сенинг навба-тинг, сепкилли аёл юзи қаби ғўзал бир ғазал ёзгинки, барча харфлари нўқтали бўлсин, – дейди.

Шоғирд "ни" қофияли, олти байт-ли ғазални ёзиб кўрсатди. Шундай қилиб, устоз қолган толибларига ҳам қизикарли ва қийин вазифаларни қўйди: бир харфи нўқтали, бир харфи нўқтасиз харфлардан иборат ғазал ёзиш; кўринишдан бир-бирига ўх-шаш, аммо маъноси турлича бўлган сўзлардан шеър тузиш; бош ва охириги сўзлари бир хил бўлган байтлар ёзиш қаби.

Талабалар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни масъулият билан ҳал қилишди. Барча жавобларни эшитган устоз уларга миннатдорчилик бил-дирди. Бу имтиҳонни қўзатиб ўтирган Ҳориснинг ҳайратдан тили лол бўлиб қолди, бироздан сўнг ўзига келиб, ўзини олинининг оёқлари остига таш-лади:

– Узр устоз, мен сизни синамоқчи бўлибман. Кўрдимки, синаш тўғўл шо-ғирдликка ҳам ярамас эканман, қўқон бўлганда ҳам мени шоғирдликка оли-шингизни ўтиниб сўрайман.

Буюк аллома, адиб ва устоз Абу Таййиб Хўқандий илм-фан соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб, Шарқ оламида Туркистоннинг мавқеи, обрў-эътиборни юксалтирди.

Орадан йиллар ўтиб, аллома ватани-га қайтади ва Самарқанда етганларида қорахонийлар салтанатининг тахтга энди ўтирган ҳўқмдори Тамғач Арслон-хон Мухаммад ибн Тамғач Сулаймон-хон у зотни шаҳар дарвозаси олдида кўтиб олади ва иззат-икром кўрсатади. Ҳазратни бир неча кўн меҳмон қилган, Самарқанда қўлишларини сўрайди. Абу Таййиб Хўқандий миннатдорчилик билдириб:

– Тақлифни мамнуният билан қабул қилган бўлар эдим, лекин жуда қариб қолдим, ватаним Хўқандни тарк этганимга кўп йиллар бўлди. Мени ўз она юртим тўпроғига дафн этишларини ис-тардим, – деб, жавоб беради.

– Она тўпроққа бош қўйиш барчамиз-нинг орузимиз, аммо яратилганидан бери Туронзаминга пойи тахт бўлиб келган Самарқанд ҳар биримиз учун она тўпроқ эмасми?

Бундай қўчли мантиқ қаршисида ожиз қолган ҳазрат Самарқандада қўлишга мажбур бўлади. Бу ерда илм-фан, адабиётни ривожланишига катта хисса қўшади.

Буюк олим Абу Таййиб Тоҳир ибн Мухаммад ал-Маҳзумий ал-Хўқандий милодий 1107 йилнинг сафар ойида Самарқандада вафот этади. Абдулка-рим ас-Самъонийнинг "Насабнома" (ал-Ансоб) китобидаги маълумотларга кўра, Абу Таййиб Хўқандий Самарқанд шаҳридаги Чокардизга қабристонида, "Машхад ас-Садот" (Сайидлар қабристони)нинг қабза томонида дафн қилинган. Дафн маросимига шаҳ-сан Арслонхон Мухаммад бошчилик қилган. Шу китобда ёзилишича, унинг ўғиллари Мухаммад ибн Тоҳир ҳадис ривоят қилганлар.

Республикамиз мустақилликка эриш-гач, 1991 йилда қўқонлик олим Мухам-мад Яхёхон Дадабоев тақлифи, Қўқон шаҳар ҳокимлигининг қарори билан собик "СССР 50 йиллиги" мавзеига Абу Таййиб Хўқандий номи берилган.

Муаззамхон МАҲМУДОВА,
Қўқон давлат
музей-қўрикхона филиали
Буюк алломалар музейи катта
илмий ходими.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.</
---	---